

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛАВИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Холбутаев Ўқтам Хужабекович

Жиззах политехника институти

Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси асистенти

Аннотация: Ушбу мақолада оилавий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-хуқуқий асослари келтирилган, оилавий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган амалий ҳатти-харакатлар, шунингдек, олиб борилаётган ишлар натижасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий натижалари ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: оилавий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш.

Abstract: This article presents the regulatory and legal basis of state support of family business, the practical actions of the state support of family business, as well as the main results of the development of family business as a result of the work being carried out.

Key words: family business, state support of family business, improvement of state support of family business.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда энг асосийси тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик соҳалари, жумладан, оилавий бизнес соҳаси фаолияти мухим аҳамият касб этиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда етакчи ўринни эгаллайди. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, Бугунги кунда дунёда 90,0 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63,0 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва

ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолини учдан икки қисмини иш билан таъминламоқда.

Жаҳон иқтисодиётида оилавий бизнес ва тадбиркорлик соҳасини самарадорлигини ошириш, қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушкини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондириш ва қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини қўпайтириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларининг турли даражаларда ривожланиш омиллари ва тенденцияларини статистик усулларда баҳолаш, статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, иқтисодий ривожланиш стратегияларининг эконометрик моделларини тузиш ва статистик прогнозлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, бугунги кун талаблари асосида ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш долзарб масалага айланди.

Мамлакатимизда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хунармандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уларнинг қўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида

дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг, айниқса, чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласарнинг маълум бир миқдорда иқтисодий ҳолати яхшиланишига кўмак бўлди. Шу билан бирга, кичик бизнес, оиласий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббуслари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг иш услубарини тубдан яхшилаш ва банк хизматларининг оммабоплигини ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари, кичик бизнес ва оиласий тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш талаб этилади.

Оиласий бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар тоифасига “Оиласий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни, Юридик шахс ташкил этмасдан оиласий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 19-июлдаги қарори), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 20-декабрдаги “Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаларини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 27-марцдаги “Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилаётган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.06.2018-йилдаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон қарори, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича кредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги низом (2018-йил 9-июн, рўйхат №3022), Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018-йил 14-июлдаги ПҚ-3856-сонли Қарори, 2021-йил 3-декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармонлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларни мисол келтириш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон шароитида оиласвий бизнесни юритишнининг афзалликларини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 20-декабрдаги “Оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаларини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 55-сонли қарорида қуйидаги шартшароитлар ҳам яратиб берилган:

- корхона томонидан Ресурс солиги ва коммунал тўловлар жисмоний шахслар учун ставкалар бўйича тўланади;
- Оиласвий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган тураг-жой биноларини оиласвий корхона фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жойларга ўтказиш талаб этилмайди;
- Давлат ҳокимияти органлари оиласвий корхонага фойдаланилмаётган нотурар жойни ижарага бериш, ишлаб чиқариш обьектларини қуриш учун ер ажратиш, оиласвий корхонанинг ишлаб чиқариш обьектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун маҳсус жойлар ажратиш бўйича кўмаклашиш.

Шунингдек, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўкув курсларини тамомлаган

ҳар бир бити्रувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори давлат томонидан компенсация қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги Ф-5689-сон Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан “очик мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”нинг 5-бандида оиласидан тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида кредитлашни соддалаштириш вазифалари топширилган.

Жумладан, оиласидан тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича кредитлашни тўлиқ рақамлаштириш, асбоб-ускуналарни сотиб олиш ёки сотиш учун маркетплейс ташкил этиш, аҳолининг банкка бормасдан маҳалланинг ўзида кредит олишини йўлга қўйиш зарурлиги белгилаб берилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Азимов Б. Оиласидан тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти// *Science and Education*" Scientific Journal / Impact Factor 3.848 (SJIF) January 2023 / Volume 4 Issue 1
2. Расулова, Ш. F. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА БАНДЛИК МУАММОСИ. ИШСИЗЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. *Global Science and Innovations: Central Asia* (см. в книгах), 3(7), 22-25.
3. Rasulova, S., & Jabborova, Z. (2019). PRINCIPAL DIRECTIONSON THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 18.
4. Uglu, R. S. S. (2021). Analysis of economic reforms increasing labour resources in the republic of uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 390-396.